



## ИЗЧИЛ ВА ҚАТЪИЙ ИСЛОҲОТЛАР ТУФАЙЛИ ЎЗБЕКИСТОНДА БУТУНЛАЙ ЯНГИ “ЯШИЛ” ЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҒИ ЯРАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 декабрь куни янги энергетика қувватларини ишга тушириш ҳамда навбатдагиларини қуришга бағишланган тантанали маросимда иштирок этди.



Булар мамлакатимизда энергетика тизими барқарорлигини ошириш бўйича қилинаётган кенг қўламли ишларнинг давомидир. Утган йили декабрда 5 та қуёш ва 1 та шамол электр станцияси ишга ту-

ширилган эди. Давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга таширларида ҳам кўплаб лойиҳаларга асос солинмоқда.

Бу галги маросимда умумий қиймати 7 миллиард доллардан зиёд 24 та лойиҳа

тайёрланган. Хусусан, Бухоро, Навоий, Наманган ва Тошкент вилоятларида қарийб 2,3 минг мегаватт қувватга эга 5 та қуёш ва шамол электр станцияси ҳамда 5 та юқори қучланишли подстанция қуриб

битказилган. Ўзбекистонда илк бор Андижон ва Фарғонада 300 мегаваттлик энергия сақлаш тизими барпо этилган. Қашқадарёда 400 мегаваттлик электр станцияси, Тошкент шаҳрида замонавий когенерация

қурилмаси, Андижон, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида 4 та кичик ГЭС шай ҳолатга келтирилган.

Шунингдек, Фарғона, Самарқанд, Навоий, Тошкент вилоятлари ва Тошкент

шаҳрида 2,5 минг мегаваттлик 6 та электр иншооти қурилиш арафасида.



Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ВА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ШЕРИКЛИК ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев янги энергетика қувватларини ишга тушириш ҳамда навбатдагиларини қуришга бағишланган тантанали маросим доирасида Бирлашган Араб Амирликлари саноат ва илғор технологиялар вазири Султон Аҳмад Ал-Жобир ҳамда энергетика ва инфратузилма вазири Сухайл Муҳаммад Ал-Мазруйдан иборат делегация, Саудия — Ўзбекистон Ишбилармонлар кенгаши раиси, “ACWA Power” компанияси раиси Муҳаммад Абунайян, Туркиянинг “Akso Enerji” компанияси раиси Жамил Казанчини қабул қилди.



Бирлашган Араб Амирликлари саноат ва илғор технологиялар вазири Султон Аҳмад Ал-Жобир ҳамда энергетика ва инфратузилма вазири Сухайл Муҳаммад Ал-Мазруйдан иборат делегация билан учрашувда амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва инвестициявий шериклик лойиҳаларини илгари суриш масалалари кўриб чиқилди.

Сухбат аввалида Султон Ал-Жобир давлатимиз раҳбарига Амирликлар Президенти Шайх Муҳаммад Ол Наҳаён, мамлакат Бош вазири, Дубай Амири Шайх Муҳаммад Ол Мактум ва Вице-президенти Шайх Мансур Ол Наҳаённинг салом ва энг эзгу тилакларини етказди.

Учрашувда Ўзбекистон — БАА кўп қиррали муносабатларининг бугунги юксак даражаси

алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми, қўшма корхоналар ва авиақатновлар сони ошмоқда. Бирлашган Араб Амирликлари етакчи компаниялари иштирокида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ва истиқболли лойиҳалар портфели 20 миллиард долларга етди.

“Яшил” энергетика икки томонлама ҳамкорлигининг устувор йўналиши бўлиб хизмат қилмоқда. 13 декабрь куни Навоий вилоятда қуввати 500 мегаватт бўлган шамол станцияси ишга туширилди — бу лойиҳа Masdar компанияси томонидан амалга оширилди.

Умуман, ушбу компания иштирокида сўнгги йилларда мамлакатимизда умумий қуввати 1,5 гигаваатт бўлган электр энергияси ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди.

Энергетика, нефть-газ ва кимё тармоқлари, тоғ-кон саноати, сув таъминоти, маиший чiqиндиларни қайта ишлаш ва бошқа йўналишларда йирик инвестиция лойиҳаларини тез фурсатда тайёрлаш ва амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Барча даражалардаги самарали мулоқотларни давом эттириш ва бўлажак олий даражадаги тадбирларга пухта тайёрлик кўриш муҳимлиги қайд этилди.

Саудия — Ўзбекистон Ишбилармонлар кенгаши раиси, “ACWA Power” компанияси раиси Муҳаммад Абунайян билан учрашувда Саудия Арабистонининг етакчи компаниялари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда “яшил” энергетика соҳасида стратегик инвестор ҳисобланган “ACWA Power” компанияси билан самарали шериклик жадвал ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди. Бугунги кунга қадар умумий қиймати қарийб 3 миллиард долларлик 4 та лойиҳа муваффақиятли амалга оширилган бўлиб, жорий лойиҳалар портфели 15 миллиард долларни ташкил этмоқда.

Бундан ташқари, бир қатор қўшма лойиҳаларни ишга тушириш маросими бўлиб ўтди: Бухоро вилоятда қуввати 500 мегаватт бўлган 2 та шамол электр станцияси тармоққа уланди, шунингдек, Самарқанд вилоятда умумий қуввати 1 гигаваатт бўлган 2 та қуёш электр станцияси ва Тошкент вилоятда 334 мегаватт қувватга эга энергия сақлаш тизими қурилишига старт берилди.

Учрашувда энергетика, транспорт ва коммунал инфратузилмани модернизация қилиш, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалиги ва бошқа устувор йўналишларда кооперация лойиҳаларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Қўшма Ишбилармонлар кенгаши фаолияти доирасида Саудиянинг етакчи компанияларини мамлакатимизга жалб қилиш борасидаги ишларни кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркиянинг “Akso Enerji” компанияси раиси Жамил Казанчини қабул қилди.

Ушбу компания билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масалалари, унинг Ўзбекистон энергетика тармоғини кенгайтириш ва технология модернизация қилиш лойиҳаларида иштирок этиш режалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Туркия компанияси билан ҳамкорликда Тошкент ва Бухоро вилоятларида умумий қуввати 740 мегаватт бўлган замонавий электр станцияларини қуриш лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилганини мамнуният билан қайд этди. Қашқадарё вилоятининг Нишон туманида қуввати 400 мегаватт бўлган янги электр станциясини ишга тушириш маросими бўлди.

Икки томонлама “йўл ҳаритаси”га мувофиқ “яшил” энергетика соҳасида, жумладан, газ тақсимлаш тизимларини модернизация қилиш, биогаз станцияларини қуриш, саноат зоналарини энергия билан барқарор таъминлаш ва бошқа истиқболли лойиҳалар муҳокама қилинди.

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТАМОЙИЛИНИНГ АСОСИ — МЕҲР ВА КЎМАК ТИЗИМИ ХАЛҚҚА ЯҚИНЛАШТИРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 13 декабрь куни ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ишлар натижадорлиги ва 2025 йил учун устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон — ижтимоий давлат. Конституцияимизда мустаҳкамланган ушбу тамойил асосида меҳр ва кўмак тизими аҳолига яқинлаштирилмоқда. Барча ҳудудларда “Инсон” марказлари очилиб, 102 та ижтимоий хизмат маҳалларда йўлга қўйилди. Ижтимоий ходимлар уймауӣ юриб, шу йил реестрда бўлмаган яна 95 минг муҳтож одамга ёрдам кўрсатди. 51 минг нафар одамга ногиронлик белгиланди, 26 минг нафари протез олди. Ётиб қолган 4 минг ёлғиз кекса аниқланиб, уларга уйининг ўзида парвариш ташкил этилди. Ногиронлиги бор 5 минг нафар бола боғча-мактабга жойлашди.

Бундай манзилли ишлар туфайли халқ қабулхоналари ва ҳокимликларга ижтимоий хизмат ва ёрдам бўйича мурожаатлар 35 фоиз камайган.

Уч ой олдин вилоятлар ва туманлардаги 14 минг раҳбар 75 минг камбағал оилга бириктирилиб, улар билан индивидуал ишлаш йўлга қўйилди. Натижада бу оилалардаги 17 минг одам доимий ишга жойлаштирилди, тадбиркорлик ва томорқа орқали 14 минг аҳолининг даромади оширилди. 30 минг бола боғча, тўғарак ва касбга ўқитиш билан қамраб олинди, 45 минг муҳтож аҳолига тиббий ёрдам кўрсатилди.

Лекин айрим жойларда иш тўғри ташкил қилинмаган ҳолатлар ҳам бор. Масалан, 184 нафар раҳбар ўзи масъул бўлган камбағал оила уйига бирор марта бормаган. Ногиронлиги бор шахсларнинг бандлиги даражаси республикада 20 фоизга етгани билан, Жалақудуқ, Чимбой, Пастдаргом, Чортоқ ва Денов туманларида бу кўрсаткич анча кам. Келгуси йил Инвестиция дастурига кирадиган 598 та ижтимоий муассаса лойиҳаси ногиронлиги бор одамларга мослаб ишлаб чиқилмаган.

Ингилишда шу каби камчиликлар кўрсатиб ўтилиб, галдаги чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари

ижтимоий ҳимоя тизимини кучайтиришга доир янги ташаббусларни айтди.

Келаси йил 1 миллион 200 минг аҳолини камбағалликдан чиқариш учун таълим, тўғарак, касб-хунар, тиббиёт масалаларини ҳал қилиш ва яшаш шароитини яхшилаш зарурлиги таъкидланди.

Бу борада яхши тажрибалар бор. Масалан, Тойлоқ ва Косонсой туманларида “Илк ривожланиш марказлари” очилиб, камбағал оилаларга ва ногиронлиги бўлган 4 минг 200 нафар болага боғча таълими берилган. Вилоят ҳокимларига бу тажрибани ўрганиб, ҳар бир туманда жорий этиш топширилди.

Шунингдек, келаси йили камбағаллик юқори мингта маҳаллада яна биттадан оилавий боғча фаолияти йўлга қўйилди. Янги йилдан оилавий боғча ўринларининг 15 фоизига камбағал оила фарзандлари қабул қилинади ва боғча тўлови қисман қоплаб берилди.

Камбағал оила фарзандларининг ўқиб, ҳаётини ўнглаши учун қўшимча имкониятлар яратилади. Хусусан, 118 минг ёшлар чет тили, ахборот технологиялари ва касб-хунарга ўқитилади. Бу тўғараклар харажати 80 фоизгача бюджетдан қопланади. 2025 йилда 3,5 минг нафар шундай фарзандлар олий таълимга грант асосида қабул қилинади.

Камбағал оилалардаги ўзи ҳаракатлана олмайдиган 23 минг нафар одамга отанаси, турмуш ўртоғи ёки болалари қараб ўтирибди. Январдан уларнинг 19 мингига уйда ва 4 мингига кундузги қатнов асосида қараш йўлга қўйилди. Натижада бу билан банд бўлган 15 минг аҳолининг қўли бўшаб, ишлаши мумкин бўлади. Бундай хизматни кўрсатган хусусий секторга оила харажатининг 80 фоизини давлат тўлаб беради. Бу тажриба аввал Тошкент шаҳрида, вилоятларда йил якунигача йўлга қўйилди.



Давоми 2-бетда

**2030 йилга қадар яна 19 минг мегаватт “яшил” қувватлар барпо этилиб, қайта тикланувчи энергия улуши 54 фоизга етказилади. Хусусан, 2025 йилда 3,4 минг мегаваттли 18 та қуёш ва шамол станцияси, 1,8 минг мегаваттли сақлаш тизимлари ишга туширилади. Бунинг натижасида келгуси йили “яшил” энергия ишлаб чиқариш ҳажмлари 12 миллиард килловатт-соатга етади.**

## ИЗЧИЛ ВА ҚАТЪИЙ ИСЛОҲОТЛАР ТУФАЙЛИ ЎЗБЕКИСТОНДА БУТУНЛАЙ ЯНГИ “ЯШИЛ” ЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҒИ ЯРАТИЛДИ

### Бошланиши 1-бетда

Ушбу янги лойиҳалар орқали келгуси йилларда қўшимча 9,5 миллиард килловатт-соат электр ишлаб чиқарилиб, 2,5 миллиард куб метр табиий газ тежаллади, 4,6 миллион тонна зарарли газлар чиқилиши-нинг олди олинди.

Энг муҳими, 4 миллиондан зиёд хонадон узлуксиз тоза энергия билан таъминланади. Бу иқтисодийнинг бошқа соҳаларида ҳам 4 миллиард долларлик қўшилган қиймат яратишга туртки беради.

Умуман, юртимизда келгуси йили жами 84 миллиард килловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бу 2016 йилга нисбатан 25 миллиард килловатт-соат ёки 1,5 баробар кўпдир.

Маросимда Президент Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлаб, бу лойиҳаларнинг барчаси тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига қурилатганини алоҳида таъкидлади. Шу муносабат билан Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Туркия, Хитой ва Германия компанияларига, Осиё тараққиёт банки, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки, Ислон тараққиёт банки, Жаҳон банкига ҳамкорлик учун миннатдорлик билдирди.

Мамлакатимизда хусусий секторга кенг йўл очилгани натижасида охириги 5 йилда энергетика соҳасига қарийб 20 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келган. Аввал тўлиқ давлат тасарруфига бўлган бу тизимда 24 та мустақил энергия ишлаб чиқарувчи фаолият бошлаган.

Жумладан, “яшил” энергетика соҳасида 3,5 минг мегаваттли ёки 10 миллиард килловатт-соатга тенг 16 та йирик қуёш ва шамол электр қувватлари ишга туширилди. Бунинг натижасида жорий йилда тармоқда “яшил” энергия улуши 16 фоиздан ошди.

Маълумки, ўтган йили мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти илк бор 100 миллиард долларлик тарихий маррани забт этди. 2030 йилга бориб, иқтисодиётимиз ҳажмини 200 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган.

Бу келгуси 5 йилда юртимизда электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ҳозирдан 1,5 баробар оширади. Қолаверса, Париж битими доирасида 2030 йилгача зарарли газлар эмиссиясини 35 фоизга камайтириш мўлжалланган.

Шу боис, давлатимиз раҳбари энергетика соҳасидagi навбатдаги режаларга тўхталиб ўтди.

Биринчидан, 2030 йилга қадар яна 19 минг мегаватт “яшил” қувватлар барпо этилиб, қайта тикланувчи энергия улуши 54 фоизга етказилади. Хусусан, 2025 йилда 3,4 минг мегаваттли 18 та қуёш ва шамол станцияси, 1,8 минг мегаваттли сақлаш тизимлари ишга туширилади. Бунинг натижасида келгуси йили “яшил” энергия ишлаб чиқариш ҳажмлари 12 миллиард килловатт-соатга етади.

Шунингдек, келгуси 2 йилда хусусий тадбиркорлар билан бирга 2 мингдан ортиқ кичик ва микро ГЭСлар ташкил қилиш бўйича катта дастур амалга оширилади. Иккинчидан, электр энергия бозорини эркинлаштириш бўйича навбатдаги қадамлар қўйилади. Хусусан, келгуси йил якунига қадар рақобатли савдолар орқали электр энергияси улгуржи бозори яратилади.

Давлат-хусусий шериклик тақсимлаш тармоқлари ҳам жорий қилиниб, уларни модернизация қилиш учун 4 миллиард доллар инвестиция жалб этилади. Бу борада Самарқанд худудий электр тармоқларини хусусий бошқарувга бериш бўйича илк лойиҳа ишлаб чиқилиб, халқаро тендер эълон қилинди.

Учинчидан, “яшил” энергетика йўналишида минтақавий ва халқаро ҳамкорлик

кенгайтирилади. Бу борада биринчи амалий қадамлар қўйилди — “СОР29” доирасида Қозоғистон, Озарбайжон ва саудиялик ҳамкорларимиз билан “яшил” энергияни Европа минтақасига экспорт қилиш бўйича битим имзоланди.

Марказий Осиё электр энергияси ишлаб чиқариш учун бир вақтнинг ўзига қуёш, шамол, сув каби табиий ресурслар бўйича катта салоҳиятга эга. Бу борада минтақавий энергия тизими барқарорлигини таъминлаш мақсадида қўшни давлатлар билан ягона платформа ишга туширилади.

Тўртинчидан, “яшил” энергетика бошқа соҳа ва тармоқларнинг ривожига, аҳоли турмуш даражаси яхшиланиши учун янги драйверга айланоқда. Хусусан, аҳоли ва тадбиркорлар томонидан 1 минг мегаваттли қуёш панеллари ўрнатилиб, йилга 1,5 миллиард килловатт-соат электр энергияси олинмоқда. Бундай ишлар изчил рағбатлантирилиши, дуал таълим асосида мутахассислар тайёрланиши айтилди.

— Бугунги тадбир юртимиз энергетика тарихида янги саҳифа очади. Ишга туширилган бу лойиҳалар орқали нафақат иқтисодий ўсишга эришамиз, балки келажак авлодларимиз учун яшил ва барқарор Ўзбекистоннинг мустақил пойдеворини яратамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Маросимда Бирлашган Араб Амирликларининг энергетика ва инфратузилма вазири Суҳайл бин Муҳаммад ал-Маъруий, Туркия Республикаси энергетика ва табиий ресурслар вазири Алпарслон Байрактар, Саудия Арабистони Подшоҳлиги энергетика вазири шаҳзода Абдулазиз бин Салмон Ол Сауд ҳам нутқ сўзлади.

Президент Шавкат Мирзиёев рамзий дастакни босиб, 18 та мажмуаининг фаолияти ва 6 та лойиҳанинг қурилишини бошлаб берди.

ЎЗА

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТАМОЙИЛИНИНГ АСОСИ — МЕҲР ВА КЎМАК ТИЗИМИ ХАЛҚҚА ЯҚИНЛАШТИРИЛДИ

### Бошланиши 1-бетда

Камбағал оиладаги 460 минг одам табиий ёрдамга, 6 мингта оила эса уй-жой шартини яхшилашга муҳтож. Шу боис, келаси йили муҳтож одамларнинг жарроҳлик амалиёти учун Табиий суғурта жамғармасига қўшимча 185 миллиард сўм ажратилади. “Ижтимоий дафтлар” маблағи эса камбағал оилаларнинг яшаш шартини яхшилаш ва даромадини оширишга сарфланади.

Ҳозирги кунда фуқаролар ижтимоий хизмат ва ёрдам олиш учун 10 дан ортиқ ҳужжатни олиб юришга мажбур. Энди буларнинг ўрнини босадиган битта — “ижтимоий карта” жорий этилади. У билан жамоат транспортида беғулу юриш, электр, газ ва ўқиш харажатига компенсация олиш мумкин бўлади. Нафақа ва ёрдам пуллари ҳам шу картага тушади.

Бу тизим 1 июлгача Тошкент шаҳри ва Янгийул туманида синавдан ўтказилади, кейинчалик ҳамма жойда қўлланади.

Йнгилишда ногиронлиқнинг сабаблари, уларга ёрдам бериш масалалари таҳлил қилинди. 33 та туманда ногиронлиги болларни реабилитация қилиш қамрови жуда камлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу боис, ҳар бир вилоят ва туман шифохонасида реабилитация хизматлари йўлга қўйилиши белгиланди. 12 та ногиронлик реабилитация марказида эрготерапия, физиотерапия, даволаш-гимнастика хизматлари қамрови 5 қарра оширилади. 7 та табиий олийгоҳда реабилитация кафедралари очилади, профессор-ўқитувчилар Корея тажрибаси асосида қайта ўқитилади. Республика реабилитация марказига Корея ва Япониядан экспертлар олиб келиниб, мутахассислар малакаси оширилади.

Ногиронлиқнинг айрим турларида уй шароитида бажарса бўладиган машқларни ўргатиш орқали ҳам бемор соғлигини тиклаш мумкин. Шунинг учун уларга шундай машқлар дастури ва соғлом овқатланиш менюси тарқатилади. Энди реабилитация самараси ногиронлиги болларнинг ҳаракати ва мулоқотидаги ўзгаришга қараб баҳоланади, шундан келиб чиқиб шифокорларга устама берилади.

Бугунга келиб, ногиронлиги болларга берилмаган протез ва реабилитация воситалари рўйхати 18 тадан 30 тага, маблағи эса 1,5 баробарга оширилди. Бунинг эъзига йил бошдан 100 минг одамнинг эҳтиёжини таъминланди.

Энди бунга яна 7 турдаги воситалар қўшилиши маълум қилинди. Бу орқали 2025 йилда 80 минг муҳтож одамга зарур протез воситалари етказиб берилади.

Яратилган имкониятлар ҳисобига бу йил тадбиркорлар ногиронлиги бор 40 минг фуқарони ишга олган. Бунга янада кенгайтириш учун 1 январдан ногиронлиги бўлган ишчилар учун ижтимоий солиқ 1 фоиз этиб белгиланди.

Корхоналарга сурдо-таржимон, психолог ва кўзи оғизларга ҳамроҳлик хизмати харажати учун 50 миллион сўмгача субсидия ажратилади. Бундай одамларни ишга жойлаган хусусий бандлик компанияларига 500 миллион сўмгача грант берилади. Бу имкониятлар натижасида яна 80 минг ногиронлиги бор одамни иш билан таъминлаш мумкинлиги айтилди.

Оғир вазиятга тушиб қолган бўлса-да, ўзида куч топиб, ҳаётини ўзгартирган матонатли инсонлар орамизда кўп. Уларни бошқарува ўрнат қилиб кўрсатиш, қаҳрамонлиги ҳақида ҳужжатли ва бадиий фильмлар суратга олиш кераклиги таъкидланди.

ЎЗА

# ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЮҚОРИ САРМОЯВИЙ САЛОҲИЯТ, ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК, ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ДЎСТОНА МУНОСАБАТИ ХОРИЖИЙ БИЗНЕСНИ ЎЗИГА ФАОЛ ЖАЛБ ҚИЛМОҚДА

**13 декабрь кунги Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев шавтирокида энергетика соҳасида янги қувватларни ишга тушириш ва навбатдаги лойиҳалар қурилишига старт бериш маросими бўлиб ўтди.**

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида қиймати 3,7 миллиард долларлик 18 та янги қувват ишга туширилатгани ва навбатдаги 6 та лойиҳа қурилишига старт берилаётганини энергетика соҳасидаги тарихий воқеа деб атади.

Ўзбекистонда ўзининг инвестициявий лойиҳаларини амалга ошираётган хорижий компаниялар раҳбарлари ва вакиллари ушбу тадбир ҳақида фикр билдирар экан, кейинги йилларда давлатимиз раҳбари раҳнамолигида юртимизда яратилган мулақо янги шиблармонлик муҳитини алоҳида эътироф этмоқда.

**Муҳаммад Жамил Ал-РАМАХИЙ, Бирлашган Араб Амирликларининг “Masdar” компанияси бош ижрочи директори:**



— Ўзбекистон минтақда иқтисодий, инвестициявий ва технологик тараққиёт маркази бўлиш истганина намён этмоқда. Қайта тикланадиган энергия соҳасида етакчи компаниялардан бири сифатида биз учун ушбу тадбир тажриба алмашиш, ҳамкорлар топиш ва истиқболли лойиҳаларни муҳокама қилиш учун ўзига хос майдон яратди.

Ўзбекистонда жозибадор инвестициявий муҳит яратиш борасида катта саъй-ҳаракат

**Муҳаммад АБУНАЙЯН, Саудия — Ўзбекистон Ишбилармонлар кенгаши раиси, “ACWA Power” компанияси бошқаруви раиси:**



— Ўзбекистонда кечаётган ижобий жараёнлар ва эришилган салмоқли натижаларнинг ҳеч бири узокни кўра оладиган давлат раҳбарисиз амалга ошмаган бўлар эди. Президент инвестиция лойиҳаларининг мунтазам қамрови боришига доим катта эътибор қаратиб келмоқда.

Биласизми, қайта тикланадиган энергияга ўтиш соҳаси ҳамма давлатлар гапирадиган мавзу эмас, яъни Ўзбекистон Президентини узокни кўра олиши сабаби айнан бу соҳага жиддий эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон энергия алмашинувини амалга ошириш

бўйича бутун дунёга намуна бўлаётир. Албатта, бу катта ютуқ.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, келгусида “яшил” энергетика йўналиши Ўзбекистон учун катта инвестициялар киритилаётгани соҳага айланб бораверади. “ACWA Power” компанияси ҳам доим Ўзбекистоннинг ишончли ҳамкори бўлиб келган ва имкониятлари билан Ўзбекистон Президентининг “яшил” энергия стратегиясида ўз хиссасини қўшишни интиқлик билан кутади.

**ЎЗБЕКИСТОН ШУНЧАКИ БУГУНГИ КУН БИЛАН ЯШАЙДИГАН ДАВЛАТ ЭМАС. УНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ЭСА КЕЛАЖАКНИ ЎЙЛАЙДИГАН, КЕЛАЖАК АВЛОДЛАР УЧУН МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР ҚЎЙДИГАН, БУТУН ДУНЁГА УЗОҚНИ КЎРА ОЛИШ ҚОБИЛИЯТИНИ НАМОЁН ЭТАЎТГАН ЕТАКЧИДИР.**



**Лиу ХУ, Хитойнинг “China national technical” компанияси президенти:**

— Ўзбекистоннинг Хитой илму қўри динамик асосида кечаётган ҳамкорлиги ва дўстона муносабатлари ўз лойиҳаларимизни бу ерда иккиланмай амалга оширишга туртки бўлмоқда.

Давлатининг раҳбарининг олиб бораётган сиёсати, мавжуд қонун-қоидалар ва аҳолининг тадбиркорликка бўлган очқилигини алоҳида таъкидлаш керак. Айниқса, сўнгги йилларда Ўзбекистон бизнес учун янада яхши манзилга айланиб бормоқда.

**Аҳмад ФАҲАД, Саудия Арабистонининг “ACWA Power” компаниясининг Марказий Осиё минтақаси бўйича операциялар раҳбари ўринбосари:**

— Ўзбекистон инвесторларни қўллаб-қувватловчи давлат эканлиги бу ердаги фаолиятимиз давомида гувоҳ бўлялман. Давлатимиз раҳбари бошчилигида барча ҳукумат вакиллари тадбиркорлар ва инвесторларга яқиндан кўмак бермоқда.



**Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида барқарор ривожланиш соҳасида сезиларли ўзгаришлар ва ютуқлар қўлга киритилганини кўряпмиз. Мамлакат “яшил” иқтисодиётга ўтиш учун қулай экотизим яратиш йўлида фаол ҳаракат қилмоқда.**

**Ван ХАО, Хитойнинг “China Datang Overseas Investment Co., Ltd.” Компаниясининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси бозорни ривожлантириш бўйича бош директори:**

— Бугунги кунда қўллаб-қувватловчи давлатлар, жумладан, Хитой, йирик халқаро корпорациялар Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун энг қулай шартлолар яратилган деб ҳисоблайди.

Фаол ислохотлар ва давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани туфайли Хитой компанияларининг Ўзбекистон билан ҳамкорликка қизиқиши сезиларли даражада ошди.

Компаниямиз мисолида айтишим мумкинки, ўтган йили биз 320 мегаватт қувватга эга қуёш электрстанциясини қуришга инвестиция киритишни бошладик. Келгуси йилда 1 гигаваат қувватга эга шамол станцияси лойиҳаси устида иш бошланиши режалаштиряпмиз.

**Али Ниҳат ДИЛЕК, Туркиянинг “iTEKNO” компанияси бош директори:**

— Ўзбекистонда лойиҳаларни амалга оширишни бошлаганимизга олти йил бўлди ва ҳозирги кунда 15 та лойиҳани режалаштиряпмиз. Биласизми, мен бир нарсани алоҳида айтиб ўтмоқчиман, бизнинг илк лойиҳамизни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев очиб берган эди. Бугун бизнинг режага асосан, сўнгги лойиҳамизнинг очилиши ҳам давлат раҳбари томонидан амалга оширилди.

Бунда ҳам рамзий маъно бор, яъни бу давлат раҳбари инвестиция лойиҳаларини бошдан охиригача қўллаб-қувватлашининг ифодасидир деб ўйлайман. Бизга Ўзбекистоннинг инвестициявий салоҳияти юқорилиги билан бир қаторда, мамлакатдаги тинчлик ва ҳавфсизлик, иқтисодиётнинг барқарорлиги ва бу юртининг одамлари бизни доим ўзига жалб қилади. Шунингдек, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатидаги дунё давлатлари билан дўстона алоқалари ҳам уни янада кучли қилмоқда дейиш мумкин.




“Дунё” АА

Шаҳарсозликни ривожлантиришда “яшил” технологияларни кўпроқ қўллаш табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва тежашга йўл очади. Масалан, анъанавий электр энергияси ўрнига қуёш панелини ишлатиш, энергиятежамкор қурилиш материалларидан фойдаланиш одамларнинг кундалик харажати ҳам камайтиради. Қолаверса, уларнинг экологияга зарарли таъсири деярли кузатилмади. Шунинг учун одамларнинг ўзида ҳам “яшил” ҳудудларда яшаш истаги ортиб борапти.

2025 йил — Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили

# “ЯШИЛ” ШАҲАРСОЗЛИК

## қурилиш лойиҳаларида асосий талабга айланмоқда



Ирода ТОШМАТОВА,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

**Тошкент шаҳридаги экобозорларнинг бирига йўлни тушиди. Катта, замонавий, қишда иссиқ, ёзда салқин, хуллас, ортиқча уринмасдан, хотиржам бозорлик қилидиган савдо маскани. Ҳайбатидан катта бир дам олиш жойи деб ҳам ўйлаб қоласан киши. Бу ерда маҳсулотларнинг хилма-хиллини топиш, чўнтакка қараб савдо қилиш мумкин. Асосийси, маҳсулотлар махсус идишларда, тоза-озода ҳолда сақланиб, экологик талабларга мос ҳолда расталарга териб қўйилган.**

Юртимизда тобора кўпайиб бораётган ана шундай замонавий савдо масканлари, олдингиларидан тубдан фарқ қиладиган турар жой мажмуалари, дам олиш ва истироҳат боғлари, ҳатто янгича гастрономик кўчалар мамлакатимизда қурилишлар соҳасидаги ислохотларнинг яққол намунасига айланмоқда. Бунда, айниқса, “яшил” ҳудудларни кўпайтиришга эътибор қаратилаётгани одамларнинг кўнгилдаги иш бўляпти. Қолаверса, замон ривожлангани сари кишиларнинг диди ҳам, эҳтиёжи ҳам ўсиб бормоқда. Шаҳар аҳолисининг экологик лойиҳаларга талаби ортмоқда, одамлар кўпроқ яшил масканларга интиляпти. Шунга яраша янги қурилишларга, муносиб шароитларга эҳтиёж туйилди.

Жорий йилнинг 11 декабрь куни давлатимиз раҳбари қурилиш ва ободонлаштириш лойиҳалари тақдими билан танишар экан, янги лойиҳаларда “яшил” ҳудудларни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилишини таъкидлагани ҳам беиз эмас. Хусусан, Тошкент шаҳридаги Юнусobod дехқон бозори ўрнида уч қаватли экобозор қуриши, унинг ёнида қўшимча савдо маркази ҳамда заргарлик уйи барпо этиш режалаштирилган. Пойтахтимиздаги Абдулла Қодирий боғида эса рельефдан тўғри фойдаланиб, яшил ҳудудлар кўпайтирилди. Сайр ва томоша жойлари, фавворалар, янги илчаниш йўли қурилди. Сайёҳларни жалб қилиш учун гастро-хол ташкил этилади. Бу Чорсу бозори, умуман, эски шаҳар билан янада уйғун бўлади.

**Экологик муҳит бирламчи омил, аммо...**

Сўхбатларнинг бирида ёш иқтисодчи Беҳзод Ҳошимов “Болаликдан нима учун бизнинг давлат ривожланган мамлакатлар қаторида эмас, деган саволга жавоб излаб катта бўлганман”, деб айтганди. Очиги, Беҳзод билан деярли тенгдошимиз ва мени ҳам доим шу каби саволлар қийнаган. Нега мамлакатимизда баланд биналар деярли йўқ, ҳаётимизда катта ўзгаришлар, тараққиёт сезилмайди, аксарият янги технологиялар бир неча ўн йиллар ўтганига қарамай, ҳалғача юртимизга кириб келмаган каби саволларни ўзимга кўп берадирим. Гўё биз дунёнинг бир чеккасида, тараққиётдан тескари томонда яшаётгандек эдик. Балки шунинг учун ҳозирги экологик ва табиий ресурслар камайиб бориши муаммоси бизни унчалик ҳам безовта қилмагандир.

Ҳўш, мамлакатнинг ривожланиши нима дегани? Бу иқтисодий ўсиш, аҳоли фаровонлиги ошиши, шунга монанд барча соҳаларнинг тараққиёт этиши, янги корхоналар, объектлар қурилиши, замонавий иш, дам олиш масканлари кўпайиши, мамлакатга кириб келувчилар сони, демографияф қўши ортиши ва ҳоказо. Ана шундай ўсиш фонида табиий ресурслардан фойдаланиш, уларга зарурат ортиши ҳамда буларнинг барчаси бевосита атроф-муҳитга таъсир кўрсатиши ҳам бор ҳақиқат. Масалан, аҳоли сони ортгани сари транспортлар харажати, ишлаб чиқариш қуввати, энергетика ва бошқа манбалар истеъмоли ҳам ошиб бораверади. Бу, айниқса, ривожланиш суръати нисбатан тез кечадиган шаҳарларда кўзга ташланади.

Тошкент шаҳри бунга яққол мисол. Сўнгги йилларда пойтахтдаги сезиларли ўзгариш ва ривожланиш тўғрисида атмосфера тобора ифлосланаётгани жиддий муаммолардан бирига айланди. Бу асосан санаят тармоқлари,

транспортлардан чиқётган зарарли газ ҳисобига экани ҳақида тушунчага эгамиз. Маълумотлар ҳам шунга кўрсатяпти: пойтахтимиз ҳавоси таркибидagi зарарли моддаларнинг асосий манбалари иссиқлик тармоғи (28 фоиз), транспорт (16 фоиз) ҳамда санаят (13 фоиз) соҳасига тўғри келяпти. Уларнинг ҳар бирини алоҳида таҳлил қилиб, атмосферага таъсирини рақамлар, аниқ асослар билан келтириш мумкин. Аммо масаланинг бошқа жиҳати бор. Санаятнинг бутунлай тўхтатсак, қурилишларга барҳам берсак, транспорт воситалари харажати чеклаб ташласак, натижа қандай бўлади? Тараққиётдан тўхтатсак орқали ўзимиз истаган муссаффо ҳавога эриша оламизми?

Ҳозир биз ҳавас қиладиган ривожланган давлатларнинг аксарияти худди шу йўлни босиб ўтган. Жадал тараққиёт йўли экологияга жиддий таъсир кўрсатганини ҳеч бири яширмайди. Ривожланиш эки экологияни соф ҳолда сақлаб қолишдан бирини танлашнинг имкони йўқ. Ваҳоланки, тараққиётдан ортда қолаётган давлатлар ҳам сайёрамизга тобора хавф солаётган экологик муаммолардан холи эмас. Бундай шароитда ривожланишга долзарб масалада янги, замонавий ечимларни қўллашга йўл очади. Илғор мамлакатлар тажрибаси бунга мисол. Бу борада энг ёмон кўрсаткичли давлатлар ҳам йиллар давомида қатъий чора-тадбирлар қўриш орқали натижани яшиллашга эришган. Масалан, Колумбиянинг Богота шаҳри ифлосланган атмосферани яшиллаш бўйича Лотин Америкасида етакчилик қилмоқда. Ҳўш, мамлакат бу натижага қандай эришди? Аввало, эски автобуслардан воз кечиб, ўрнига янги электробуслар қатнови йўлга қўйилган. Қолаверса, бу ўрнида велосипедлар ҳам муҳимлиги таъкидланади. Маълумотларга кўра, шаҳарда ҳар куни 1 миллиондан ортиқ велосипеддан фойдаланилади ва бу орқали ҳар йили атмосферага 16 минг метрик тонна карбонат ангидрид эки шунга ўхшаш зарарли газ чиқишининг олди олинади.

халқаро ҳамкорликдаги янги лойиҳалар устида ишланмоқда. Бойси, юртимизда иқтисодий ўсиш суръатига нисбатан шаҳар миграцияси жаддалашган. Бу эса аҳолининг меҳнат ресурслари ва давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятидаги фарқи юзга келтирмоқда, — дейди иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари Илҳом Норқуллов. — Ушбу масалалар шаҳар ҳўжалигини бошқариш ва режалаштиришнинг замонавий

барқарор турар жой массивлари, “яшил” маҳаллаларда истироҳат боғлари ҳамда соҳил бўйлари барпо этилади. “Яшил” жамоат транспортини ривожлантириш, санаят, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларида “яшил” ёндашувлардан келиб чиқиб, тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва бунинг учун зарур инфратузилма, шароит яратиш кўзда тутилган. Кейинги босқич — 2025 йил иккинчи ярмида орттирилган тажрибадан келиб чиқиб, яна 30 та туман-шаҳар юқоридagi ёндашув асосида ривожлантирилади. Бундан

узок вақт, пухта ҳаракат ва катта маблағ талаб этади. Аммо тобора мураккаблашиб бораётган экологик вазият қанчалик қийин бўлмасин, бу ишларни амалга ошириш заруратини юзга келтирган. Мамлакатимиз халқаро ҳамкорлар билан бирга шу йўналишдаги катта лойиҳаларни жаддалаштираётгани бойси шунда.

— Шаҳарларни қуришда “яшил” технологиялар қўлланиши кўплаб қўлайликларни вуҷудга келтиради, — дейди Жаҳон банкнинг шаҳарсозлик, барқарорлик ва ердан фойдаланиш бўйича глобал амалиёт бўлими менежери Кристоф Пуш. — Масалан, иқтисодий самарадорликни олайлик. Шаҳарлар зичлаштирилса, харажат тежалади, ижтимоий хизматлар ривожланади. Масштабланишдан унумли фойдаланиб, экологик хавфларни камайтиришга қаратилган чораларни қўриш мумкин. Бу савий-ҳаракатлар Ўзбекистон учун ҳам муҳим. Чунки мамлакат минтақадаги бошқа давлатлар каби иқлим ўзгаришлари таъсирини сеза


ташқари, 2025 йилда ҳудудлар ва тармоқларда “яшил” ҳамда экологик тамойилларга риоя қилинишини рағбатлантириш, ҳисобдорликни кучайтиришга қаратилган мониторинг тизимини босқичма-босқич жорий этишга киришамиз. Суғориш ва ичмиллик сув таъминоти ҳамда исти-тиз тизимини институционал жиҳатдан ислоҳ қилиш ва ресурслардан самарали фойдаланиш аниқлаштирилади. Жараёнда шаҳар инфратузилмасини модернизация қилиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан кенг фойдаланиш, иқлим ўзгаришининг маҳаллий аҳоли турмуш тарзи ва инфратузилмага таъсири каби омиллар режалаштирилади. Асосий эътибор “яшил” ва иқлимга мослашувчан шаҳар ҳамда ҳудудларни барпо этишга қаратилган. Бу борада 2025 йил ва ундан кейинги даврда олдинда муҳим вазифалар турибди. Биринчидан, дастлабки босқичда комплекс ривожлантириш учун ҳар бир вилоятдан камида битта туман эки шаҳар танлаб олинади, яшил ва экологик

**136 та мастер-режа ишлаб чиқияпти**

“Яшил” шаҳарларни барпо этиш осон жараён эмас. Лойиҳани ишлаб чиқишдан тортиб, амалга оширишгача бўлган ишларнинг бари



“ Мутасаддиларнинг маълумотига кўра, ўтган даврда “яшил” иқтисодиётга ўтиш, барқарор муҳитни асраш борасида қонунчилик базаси мустаҳкамланиб, энергетика соҳасида 2,6 гигаваттли 9 та қуёш ва 1 та шамол электр станцияси ишга туширилди. Бугун жами 1,7 гигаваттли 5 та қуёш ва 2 та шамол электр станцияси қуриляпти.



бошлади ва яқин ўн йилликдаги прогнозлар бу хавфлар ортиб боришини кўрсатмоқда. Ўтган йилги таҳлилларимизга кўра, Ўзбекистонда 2030 йилгача 8 миллион киши иқлим хатари юқори бўлган ҳудудларда яшайди. Бойси, мамлакатда йирик урбанизация жараёни кечмоқда ва иқтисодий жиҳатдан бойиб бораётган давлат қишлоқлардан бўлиб қоламан. Бирок аниқ савий-ҳаракатлар орқали юқоридagi хавфини 2050 йилгача 90 фоизгача камайтириш мумкин. Яъни ривожланишнинг иқлимга салбий таъсирини камайтиришга қаратилган йирик лойиҳалар зарур. Бу борада Ўзбекистоннинг фаол ҳамкорларидан бўлиб қоламиз. Биргаликда лойиҳалар ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этилган. Яқин йилларда бу борадаги тажрибани бошқа давлатлар ҳам ўрганиб, қўллаши мумкин.

Булар — мамлакатимизнинг “яшил” иқтисодиётга ўтиш йўлидаги савий-ҳаракатларнинг бир қисми. Юртимизда мазкур ҳаракатнинг фаол босқичи 2019 йилда бошланган эди. Шундан буён ўтган қисқа муддатда қатор амалий натижаларга эришилди. Мутасаддиларнинг маълумотига кўра, ўтган даврда “яшил” иқтисодиётга ўтиш, барқарор муҳитни асраш борасида қонунчилик базаси мустаҳкамланиб, энергетика соҳасида 2,6 гигаваттли 9 та қуёш ва 1 та шамол электр станцияси ишга туширилди. Бугун жами 1,7 гигаваттли 5 та қуёш ва 2 та шамол электр станцияси қуриляпти. Аммо ҳақиқат фақат энергетика тизимини ислоҳ қилишдан иборат эмас. Иқтисодиётнинг ҳар бир соҳаси ва тармоғи ҳамда бошқа йўналишдаги

ишларни ташкил этишда “яшил” иқтисодиётга мослашини асосий тамойилга айланиб улгурди. Хусусан, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси кўламини тобора кенгайтириб бормоқда. Уй-жой ва биналарни энергиятежамкор қилиб қуриш талаби киритилди. “Яшил” жамоат транспортидан фойдаланиш кўламини кенгаймоқда. Мамлакатимизда электромобиль ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш бўйича рағбатлантирувчи механизмлар жорий этилди.

Ана энди “яшил” маҳаллалар, “яшил” туман-шаҳарлар барпо этиш харажати бошланди. Ҳудудларни ривожлантириш бўйича дастур ва мастер-режалар ишлаб чиқишда ҳам, энг аввало, “яшил” тамойилларни қўллаш асосий мезонга айланмоқда. Бундай биналарни қуришда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда энергия истеъмолини таъминлаш, иқлим хатарларига жавоб берадиган қурилиш материалларидан фойдаланиш, уй-жой атрофида “яшил” ва экологик ҳудудларни кўпайтириш каби кўплаб омилларга эътибор қаратилади. Бу борада жаҳондаги илғор тажрибалар ўрганилаётгани янада муҳим.

— Ҳозир Бухоро, Фарғона, Наманган, Қашқадарё, Тошкент, Жиззах, Самарқанд вилоятларида лойиҳаларни амалга оширяпмиз, — дейди Туркиянинг “Studio Vertebr” лойиҳалаш-шаҳарсозлик компанияси директори Меҳмет Бекташ. — Масалан, 2019 йилда тайёрланган “Бухоро сити” лойиҳасини ишлаб чиқишда иккита асосий масала кўтарилди. Биринчиси, Бухоронинг 2000 йиллик қадимий тарихи, иккинчиси, туризм йўналиши. Лойиҳада эски шаҳарнинг бор тарихий қийматидан илҳомланиб, янги шаҳарни барпо этишга харажат қилдик. Ҳозир қурилиш ишлари бошланган ва у ерда турар жойлар, савдо марказлари, ижтимоий объектлар, меҳмонхоналар, илмий институтлар бўлади. Шунингдек, “яшил” ҳудудларга кен ўрин ажратилган.

Халқаро ҳамкорлар билан бир қанча янги лойиҳалар бўйича келишувларга эришилган. Хусусан, ҳудудларда “яшил” тамойилларга асосланган кичик, ўрта ва бош мастер-режалар ишлаб чиқилиб, амалга оширилди. Германия халқаро ҳамкорлик ташкилоти билан 10 дан ортиқ туман ва шаҳарда мастер-режалар ишлаб чиқилиб, пилол лойиҳалар бошланган. Шу каби бошқа лойиҳалар учун Европа Иттифоқи 7 миллион евро, Швейцария ҳукумати 2 миллион доллар, Оснэ тараққиёт банки дастлабки босқичда 700 минг доллар грант ажратгани маълум. БМТ Тараққиёт дастури кўмағида ҳам мастер-режалар тайёрланмоқда.

— Бугун юртимизнинг 106 та туман ва шаҳрида 136 та мастер-режа ишлаб





2024 йил 14 декабрь, 254-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz\_official

yuz.uz\_news yuz

# 2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

**Кичик бизнес — бу маҳаллага, туманга янги муҳит олиб кирадиган, одамларимизга шижоат берадиган катта кучдир.**

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти



# ИШГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ

## банк ва тадбиркорлар ҳамкорлигини мустаҳкамлаяпти



**Шухрат ОРИПОВ,**  
“Бизнесни ривожлантириш банки” ахборот хизмати раҳбари

Бизнес ривожини йўлдаги сай-ҳаракатлар натижасида янги Ўзбекистонда янги тадбиркорлар синфини шаклланди. Бугун ҳар бир маҳаллада камидан 40-50 ишбилармон бор. Улар минглаб одамни донимий иш билан таъминлаган.

Президентимизнинг тадбиркорлар билан аниқлаш тус олган очик мулоқоти кичик бизнесни манзилли қўллаб-қувватлаш борасида ишчан муҳит яратишга хизмат қилмоқда. Мазкур учрашуларда тадбиркорлар оёққа туриб олиши, фаолиятини кенгайтириши учун мулкдо янги ёндашувлар илгари сурилмоқда. Хусусан, ўтган йилги очик мулоқотда соҳа вакиллари тадбиркорликка ўқитиш, уларга лойиҳа тайёрлаб бериш, фаолиятини молиялаштириш, махсулотларига бозор, бизнесга шерик топиш бўйича ахборот таъминоти яратиш борасида муҳим ташаббуслар билдирилган эди. Давлатимиз раҳбарининг АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”ни “Бизнесни ривожлантириш банки”га айлантириш ташаббуси молия муассасаси фаолияти, ишлаш услуби ва молиялаштириш механизмларининг янгиланишига пухта замин яратди.

Президентимизнинг 2023 йил 14 сентябрдаги “Кичик бизнесни ривожлантириши молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастури тасдиқланди. Бизнесни ривожлантириш банки мазкур дастур ижросини таъминлаш ва мунтазам такомиллаштириб бориш бўйича асосий таянч банк этиб белгиланди. Шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий ва консултив қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор янги дастаклар жорий этилди. Дастурни амалга ошириш учун 2023-2026 йилларда давлат маблағи ҳисобидан 6 триллион сўм ва халқаро молия институтларининг 1,2 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi маблағи йўналтирилиши белгилаб қўйилди.

### Нагизжалар — рақамларда

Ўтган қисқа муддатда банкимиз Ўзбекистон банк-молия секторига ўз ўрнини эгаллашга эришди. Аҳоли орасида қиёфасини

ярата олди. Банк стандарт усуллардан воз кечиб, ўз қадрият ва тажрибасига таянган ҳолда янги шароитга тезкор мослашиб, молия бозоридagi ўрнини мустаҳкамламоқда. Шунингдек, замонавий ва қўлай хизматларни жорий этиш, хизматлар таркибини кенгайтириш, мижозлар ишончини қозониш ҳисобида молиявий хизматлар бозоридagi кучли рақобат шароитида фаол илдамламоқда.

Бугун Бизнесни ривожлантириш банки 60 та Банк хизматлари офиси ва Банк хизматлари марказлари орқали 1,6 миллиондан ортиқ мижозга хизмат кўрсатмоқда. Жумладан, жисмоний шахс мақомидаги мижозлар сони 1,5 миллиондан ортиқ ва юридик шахс мақомидаги мижозлар сони 80 миң 300 тани ташкил этмоқда. Жорий этилаётган янги хизматлар мижозлар сони муттасил ошиб бориши ва юқори молиявий кўрсаткичларга эришишга имкон бермоқда.

Банкнинг кредит қўйилмалари 2023 йилдаги нисбатан 1,9 фоиз ўсиб, 22,6 триллион сўмдан ошди. Мижозларга таклиф этилаётган қўлай шартлардаги хизматлар, соддалаштирилган кредит амалиёти, юқори даромадли омонатлар, ҳисоб рақамларини ишончли бошқариш барқарор ривожланишда муҳим омил бўлмоқда. Шу бўйича 15 та стандарт ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди. Банк хизмат кўрсатиш офислари ва Банк хизматлари марказлари фаолияти мижозларга йўналтирилганлиги модели асосида ташкил этилмоқда. Натижада 24 миңдан ортиқ янги мижоз жалб қилинди. 184 та валюта айирбошлаш шохобчаси орқали 650 миң жисмоний шахсга хизмат кўрсатилди. 157 та халқаро пул ўтказмалари шохобчаси орқали мижозларга берилган сумма қарийб 308,6 миллион долларни ташкил этди.

Банкнинг кредит қўйилмалари 2023 йилдаги нисбатан 1,9 фоиз ўсиб, 22,6 триллион сўмдан ошди. Мижозларга таклиф этилаётган қўлай шартлардаги хизматлар, соддалаштирилган кредит амалиёти, юқори даромадли омонатлар, ҳисоб рақамларини ишончли бошқариш барқарор ривожланишда муҳим омил бўлмоқда. Шу бўйича 15 та стандарт ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди. Банк хизмат кўрсатиш офислари ва Банк хизматлари марказлари фаолияти мижозларга йўналтирилганлиги модели асосида ташкил этилмоқда. Натижада 24 миңдан ортиқ янги мижоз жалб қилинди. 184 та валюта айирбошлаш шохобчаси орқали 650 миң жисмоний шахсга хизмат кўрсатилди. 157 та халқаро пул ўтказмалари шохобчаси орқали мижозларга берилган сумма қарийб 308,6 миллион долларни ташкил этди.

Банкнинг кредит қўйилмалари 2023 йилдаги нисбатан 1,9 фоиз ўсиб, 22,6 триллион сўмдан ошди. Мижозларга таклиф этилаётган қўлай шартлардаги хизматлар, соддалаштирилган кредит амалиёти, юқори даромадли омонатлар, ҳисоб рақамларини ишончли бошқариш барқарор ривожланишда муҳим омил бўлмоқда. Шу бўйича 15 та стандарт ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди. Банк хизмат кўрсатиш офислари ва Банк хизматлари марказлари фаолияти мижозларга йўналтирилганлиги модели асосида ташкил этилмоқда. Натижада 24 миңдан ортиқ янги мижоз жалб қилинди. 184 та валюта айирбошлаш шохобчаси орқали 650 миң жисмоний шахсга хизмат кўрсатилди. 157 та халқаро пул ўтказмалари шохобчаси орқали мижозларга берилган сумма қарийб 308,6 миллион долларни ташкил этди.

Банкнинг кредит қўйилмалари 2023 йилдаги нисбатан 1,9 фоиз ўсиб, 22,6 триллион сўмдан ошди. Мижозларга таклиф этилаётган қўлай шартлардаги хизматлар, соддалаштирилган кредит амалиёти, юқори даромадли омонатлар, ҳисоб рақамларини ишончли бошқариш барқарор ривожланишда муҳим омил бўлмоқда. Шу бўйича 15 та стандарт ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди. Банк хизмат кўрсатиш офислари ва Банк хизматлари марказлари фаолияти мижозларга йўналтирилганлиги модели асосида ташкил этилмоқда. Натижада 24 миңдан ортиқ янги мижоз жалб қилинди. 184 та валюта айирбошлаш шохобчаси орқали 650 миң жисмоний шахсга хизмат кўрсатилди. 157 та халқаро пул ўтказмалари шохобчаси орқали мижозларга берилган сумма қарийб 308,6 миллион долларни ташкил этди.

Банкнинг кредит қўйилмалари 2023 йилдаги нисбатан 1,9 фоиз ўсиб, 22,6 триллион сўмдан ошди. Мижозларга таклиф этилаётган қўлай шартлардаги хизматлар, соддалаштирилган кредит амалиёти, юқори даромадли омонатлар, ҳисоб рақамларини ишончли бошқариш барқарор ривожланишда муҳим омил бўлмоқда. Шу бўйича 15 та стандарт ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди. Банк хизмат кўрсатиш офислари ва Банк хизматлари марказлари фаолияти мижозларга йўналтирилганлиги модели асосида ташкил этилмоқда. Натижада 24 миңдан ортиқ янги мижоз жалб қилинди. 184 та валюта айирбошлаш шохобчаси орқали 650 миң жисмоний шахсга хизмат кўрсатилди. 157 та халқаро пул ўтказмалари шохобчаси орқали мижозларга берилган сумма қарийб 308,6 миллион долларни ташкил этди.

Банкнинг кредит қўйилмалари 2023 йилдаги нисбатан 1,9 фоиз ўсиб, 22,6 триллион сўмдан ошди. Мижозларга таклиф этилаётган қўлай шартлардаги хизматлар, соддалаштирилган кредит амалиёти, юқори даромадли омонатлар, ҳисоб рақамларини ишончли бошқариш барқарор ривожланишда муҳим омил бўлмоқда. Шу бўйича 15 та стандарт ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди. Банк хизмат кўрсатиш офислари ва Банк хизматлари марказлари фаолияти мижозларга йўналтирилганлиги модели асосида ташкил этилмоқда. Натижада 24 миңдан ортиқ янги мижоз жалб қилинди. 184 та валюта айирбошлаш шохобчаси орқали 650 миң жисмоний шахсга хизмат кўрсатилди. 157 та халқаро пул ўтказмалари шохобчаси орқали мижозларга берилган сумма қарийб 308,6 миллион долларни ташкил этди.

Банкнинг кредит қўйилмалари 2023 йилдаги нисбатан 1,9 фоиз ўсиб, 22,6 триллион сўмдан ошди. Мижозларга таклиф этилаётган қўлай шартлардаги хизматлар, соддалаштирилган кредит амалиёти, юқори даромадли омонатлар, ҳисоб рақамларини ишончли бошқариш барқарор ривожланишда муҳим омил бўлмоқда. Шу бўйича 15 та стандарт ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди. Банк хизмат кўрсатиш офислари ва Банк хизматлари марказлари фаолияти мижозларга йўналтирилганлиги модели асосида ташкил этилмоқда. Натижада 24 миңдан ортиқ янги мижоз жалб қилинди. 184 та валюта айирбошлаш шохобчаси орқали 650 миң жисмоний шахсга хизмат кўрсатилди. 157 та халқаро пул ўтказмалари шохобчаси орқали мижозларга берилган сумма қарийб 308,6 миллион долларни ташкил этди.

Банкнинг кредит қўйилмалари 2023 йилдаги нисбатан 1,9 фоиз ўсиб, 22,6 триллион сўмдан ошди. Мижозларга таклиф этилаётган қўлай шартлардаги хизматлар, соддалаштирилган кредит амалиёти, юқори даромадли омонатлар, ҳисоб рақамларини ишончли бошқариш барқарор ривожланишда муҳим омил бўлмоқда. Шу бўйича 15 та стандарт ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди. Банк хизмат кўрсатиш офислари ва Банк хизматлари марказлари фаолияти мижозларга йўналтирилганлиги модели асосида ташкил этилмоқда. Натижада 24 миңдан ортиқ янги мижоз жалб қилинди. 184 та валюта айирбошлаш шохобчаси орқали 650 миң жисмоний шахсга хизмат кўрсатилди. 157 та халқаро пул ўтказмалари шохобчаси орқали мижозларга берилган сумма қарийб 308,6 миллион долларни ташкил этди.



бизнес лойиҳалар фаол молиялаштирилмоқда. Жорий йилнинг 10 ойида тадбиркорлик субъектларига 4 триллион сўмга яқин кредит ажратилди. Йўналтирилган маблағнинг 46 фоизи, яъни 1,8 триллион сўми тижорат кредитидир.

“Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастури доирасида 1,7 триллион сўмдан ортиқ кредит ажратилди. Бу ажратилган жами кредит суммасининг 45 фоизидир. Шунингдек, давлатнинг бошқа дастурлари асосида ажратилган имтиёзли кредитлар миқдори 330 миллиард сўмни ташкил этди.

Кредит маблағларининг энг катта қисми корпоратив мижозларга тегишли бўлиб, уларга 1,1 триллион сўм сармоя йўналтирилган. Ўрта бизнес вакилларига 371,7 миллиард сўм, кичик бизнесга 612,9 миллиард сўм, микробизнесга 1 триллион 824 миллиард сўм кредит ажратилган.

Шунингдек, тармоқлар кесимида саноатга 941,2 миллиард сўм, қишлоқ хўжалигига 339,6 миллиард сўм, қурилишга 495,8 миллиард сўм, савдо ва умумий овқатланишга 857,5 миллиард сўм, транспорт ва коммуникацияга 63,2 миллиард сўм кредит йўналтирилган. Бундан ташқари, бошқа соҳалар учун яна 1,2 триллион сўм кредит тақдим этилган.

Жисмоний шахсларга таклиф этилаётган кредитлар қўлайлиги, оммабонлиги, замон талабларига мослиги билан жозибдор қўриниш касб этмоқда. Ҳозир чакана бизнес мижозларига 29 турдаги кредит таклиф этилмоқда. 2024 йил 1 декабрь ҳолатига кўра, 62 миңдан ортиқ чакана бизнес мижози учун 2,1 триллион сўмга яқин кредит ажратилди. Бунинг натижасида чакана йўналишидаги банк даромади 21 фоиз ўсди.

Мижозларга банк мобил иловаси орқали онлайн автокредит, таълим кредити ва микроқарз олиш имконияти яратилган. Бунда инсон омиллини чеклаш, автоматлаштирилган скоринг тизими жорий этилиши эвазига кредитни маъқуллаш учун сарфланаётган вақт (Time to yes) 5-6 соатдан 30 дақиқача, кредит маблағини ажратиш (Time to money) учун сарфланаётган вақт 3-4 кундан минимум 40 дақиқача (микроқарз), максимум 3-4 соатча (автокредит) қисқарди. Мижозлар талабидан келиб чиқиб, “Бизнесга биринчи қадам” кредит турини янги яратилди. Бунинг натижасида 21 миң 388 фуқаронинг иш билан бандлиги таъминланди.

### Тизим ҳам, услуб ҳам янгича

Банк кичик бизнесни молиялаштириш билангина чекланаётгани йўқ. Тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ишончли ҳамкори бўлишга интилоқда. Ташкил этилган 14 та Кичик бизнесга қўмақлаш марказида кичик бизнес лойиҳаларини танлаш, ташаббускорларни ўқитиш, ахборот билан таъминлаш, бизнес режалар ва техник иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш, бозор топиш билан боғлиқ комплекс хизматлар кўрсатишмоқда. Бунинг учун марказлар зарур шарт-шароитлар билан таъминланди ва замонавий жиҳозланди.

Марказлар томонидан танлаб олинган ташаббускорлар бизнес кўникмаларини шакллантириш йўналишида қисқа ва ўрта муддатли амалий ўқув курсларида ўқитилмоқда. Янги жорий қилинган тизим асосида шу кунгача 54 миң 901 ташаббускор ўқиб, тегишли сертификатга эга бўлди.

Тадбиркорликка ўқитишга қаратилган лойиҳалар ҳам татбиқ этилмоқда. Бу борада банк ва Япониянинг Ямагата университети ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Унинг доирасида мамлакатимиздаги 10 миңга яқин тадбиркорлик бўйича мақсад қилинган.

Япония университети профессорлари мамлакатимиз ҳудудларида бўлиб, тадбиркорлар билан учрашди. Бу сафарлар давомида 150 фаол тадбиркор иштирокида ўқув курси ташкил этилди. Кейинги босқичда тадбиркорлар Япониянинг “i-hope” дастури асосида ўқитилмоқда. Айни вақтда 2 миңдан ортиқ тадбиркор ўқув жараёнига жалб қилинган. Шунингдек, 500 га яқин тадбиркор ўқув курсини тамомлаб, сертификат ошди.

Япониялик мутахассислар ўқув дастурлари жараёнида муваффақиятли қатнашган тингловчилардан 24 менторни саралаб олди. Бу тингловчилар дастлаб Ўзбекистонда, кейинги босқичда Япониянинг Ямагата университетига малака ошириш Режага мувофиқ, хорижда малака ошириб қайтган ҳар бир ментор 296 тренер тайёрлайди. Тадбиркорларни ўқитиш жараёни кейинчалик мазкур менторлар томонидан ташкил қилинади.

Тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан жорий этилган янгича тизим дастлабки самарасини бера бошлади. Энг муҳими, ҳудудларда янги тадбиркорлик субъектлари вужудга келмоқда ва минглаб бизнес лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Булар эса, ўз навбатида, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

### Мақсад аниқ, интилиш қатъий

Банк ўз зиммасига юклатилган вазифаларни изчил амалга оширишга қаратилган стратегик мақсадларни белгилаб олган. 2024 йилда халқаро миқёсдаги етакчи консалтинг компания — KPMG билан ҳамкорликда Бизнесни ривожлантириш банкнинг 2024-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилди. Мазкур стратегияда тўртта асосий мақсад белгилаб олинди: биринчиси, **кичик бизнесга комплекс хизматлар кўрсатишда биринчи рақамли**

банк бўлиш. Банк кичик бизнес вакиллари турли молиявий ва маслаҳат хизматлари таклиф қилиш орқали улар фаолиятини қўллаб-қувватлайди;

иккинчиси, **бизнес рентабеллиги ва акциядорлик капиталини ошириш**. Банкнинг асосий эътибори мижозлар даромадини кўпайтириш ва ўз ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилди;

учинчиси, **инновацион ИТ ечимлар** ва юқори операция самардорлигини таъминлаш. Замонавий технологиялар банк операцияларини тезлаштириш ва мижозларга хизмат кўрсатишни соддалаштиришга ёрдам беради;

тўрттинчиси, **кучли корпоратив маданият** ва аниқ натижага интилувчи жамоани шакллантириш. Банк ўз ходимларининг малакасини ошириш ва мотивациясини кучайтириш орқали корпоратив маданиятни мустаҳкамлашга интилади.

Ўзбў мақсадларни амалга ошириш орқали 2026 йил якунига қадар банк активлари 27 триллион сўмдан 62 триллион сўмга ва капитал 3,2 триллион сўмдан 7,1 триллион сўмга етказилади.

Мижозларга энг қўлай ҳамда фойдали шартларда кредитлар тақдим этилиши натижасида 2026 йил якунига қадар банкнинг кредит портфели 25 триллион сўмга ёки 2,1 баробар ошиб, 46,8 триллион сўмга етказилади. Депозитлар қиймати эса 12,2 триллион сўмга ёки 2,3 баробар оширилиб, 21,6 триллион сўмга етказилади.

Банк олдида турган муҳим мақсадлардан яна бири 2027 йилгача кичик ва чакана бизнес бозорига қамровини оширишдир. Жумладан, кичик бизнес вакиллари бўлган фаол мижозлар сонини 115,1 миңгача ҳамда бозорнинг 17,7 фоизини, чакана бизнесдаги мижозлар сонини 2,5 миллионгача ошириб, бозорнинг 16,7 фоизини эгаллаш белгилаб олинган.

Шунингдек, келгусида мижозларнинг 75 фоизига онлайн хизмат кўрсатишни йўлга қўйиб, уларни фаол ишчи билан интернет-банкнинг фойдаланувчиларига айлантириш режалаштирилган.

Бизнесни ривожлантириш банкнинг 2024-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясида кўзда тутилган мақсадларга эришиш учун 11 йўналишда 70 дан ортиқ ташаббус ва 250 га яқин вазифа белгиланган. Шундан ахборот технологияларини ривожлантириш йўналишида 27 та ташаббус, инсон капиталини ривожлантириш йўналишида 48 та ташаббус, бизнесни ривожлантириш бўйича 83 та ташаббус амалга оширилиши кўзда тутилган. Бизнесни ривожлантириш бўйича ташаббуслардан 39 таси кичик, 44 таси чакана бизнес йўналишида татбиқ этилади.

Ҳозир стратегик мақсадларга эришиш учун мунтазам изланиш олиб боришмоқда. Бунинг учун 11 та Agile гуруҳи шакллантирилди ва улар томонидан мижозлар эҳтиёжи ҳамда талабини қаноатлантириш учун замонавий талабларга мос янги кредит турлари жорий қилиняпти.

Президентимизнинг 2023 йил 15 ноябрдаги “Аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2024-2026 йилларда кичик тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитлар қолдигини 1,7 баробар ошириш орқали банкнинг кредит портфелидаги улуш 28 фоиздан 43 фоизга етказилади. 150 миңгача кичик тадбиркорлик субъекти фаолияти йўлга қўйилиб, кенгайтирилади.

Кичик бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан жами 800 миллион АҚШ доллари миқдоригача ресурслар жалб қилиш вазифаси юклатилган. “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ Ўзбекистондаги кенг қўллама иқтисодий ислохотларнинг фаол иштирокчисига айланди. Жамоанинг муттасил изланиши орқали банк фаолияти ҳам, ишлаш услуби ва молиялаштириш механизмлари ҳам янгича бўлишига эришилмоқда. Келгусида кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш энг устувор йўналиш бўлиб қолади. Банк бундан бундан ҳам янги иш ўринлари очиб, аҳоли даромадини ошириш ва жаҳон истеъмол бозорига рақобатбардор экспортни таъминлашга қаратилган бизнес лойиҳаларини молиялаштиришда фаол иштирок этади. Шунингдек, халқаро стандартларга мос, замонавий хизматларни тақдим қилиш орқали молия бозоридagi мавқени янада мустаҳкамлаш ва мижозлар ишончини қозонишга интилади.



Бетоб бўлсак, дарров антибиотик қўллаймиз. Айни пайтда инсон организми антибиотикка кўникиб борапти. Дори бир томондан фойда бўлса, иккинчи томондан инсон танасидаги фойдали микроорганизмни ишдан чиқармоқда. Одамларнинг иммунитетига тушиб кетяпти. Антибиотикка чидамлик пайдо бўлаётгани тиббиёт олдига янги муаммони қўяпти. Бу — энг катта таҳдидлардан бири. Антибиотик билан боғлиқ таҳдид қурол-яроқ таҳдидидан кўра хавфли.



**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, “Эл-юрт хурмати” ордени соҳиби, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Шавкат СОЛИХОВ номини илм-фан солнома сига зарҳал ҳарфлар билан ёзиш мумкин. Биоорганик кимё фанининг забардаст олими билан суҳбатимиз ўзбек илм-фанининг кечаги куни, бугуни ва эртаси ҳақида бўлди.**

Кўп бор муножот қилганман, илм-фанга аҳамият қаратишларини сўраганман. Эсимда, учрашувда мамлакат тараққиётини илм-фансиз тасаввур қилиб бўлмаганини кайд этиларкан, назаримда, янги уйғониш даврига тамал тоши қўйилди. Фанлар академияси фаолиятини тиклаш ва такомиллаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган бир қанча меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Бугунги кунда улар том маънода илм-фан соҳасида ўзгариш ва янгиланишларни амалга оширишда, илм-фан, таълим ва

Бугун дунё чин маънода янги уйғониш даврига эҳтиёж сезмоқда. Турли мамлакатларда бўлаётган нотинчликлар, маънавий таназзул ҳолатлари ана шу эҳтиёжни юзага келтираётди. Ҳозирги ўта мураккаб вазиятда дунёни қўтқарувчи ягона нажот илм экани тезкор замоннинг силсиласида янада аён бўлиб бормоқда. Бу ўз-ўзидан қайта уйғонмоқ заруратини юзага келтирмоқда. Мамлакатимизда бу борада дадил қадамлар қўйилаётди. Илм-фан, таълим, маънавият, бонринги, барча соҳаларга берилаётган эътибор



# ЎЗБЕКИСТОН ИЛМ-ФАНИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

## У Учинчи Ренессанс пойдевори бўлади

— Бугунги суҳбатимиз миллий тараққиётимизда янги бир давр бошланиши арафасида бўлаётганига ҳам ўзига хос маъно бордек. Сиз зиёли, илм адамисиз. Қолаверса, шу машаққатли йўлда кўп заҳмат чекиб, турфа даврларни кўргансиз. Шу боис, сиз билан суҳбатлашни менга ҳам осон, ҳам ўзига хос масъулият юклайди. Осонлиги, сизда ҳаётини хулосалар кўп, таққослаш имкони бор. Масъулиятли томони эса суҳбатимиз ўзинини тафаккур қилишдир. Лекин ҳозирдан ишониманки, гурунгимизда фалсафий оҳанг ва фикрлар бўриб туради. Сабаби, кейинги йилларда мамлакатимиздаги кенг кўламли тарихий янгиланишлар ҳар бир зиёли фитратига ўзига хос эвришиш ҳодисасини юзага чиқармоқда.



Бу ҳам бежиз эмас. Улуғ аллома аз-Замашарийнинг ўз даврида “Ҳар қандай мушкул иш ақл эгалари туфайли ислоҳ қилинур”, дея қайд этгани асрлар ўтса ҳамки, ўз қийматини йўқотмаган ўғитлардан. Фақат бундай тафаккур жаҳоитларини бошқарув тизимига синдириш учун катта соҳахият, маҳорат талаб этилади. Шу маънода, 2016 йил 30 декабрь куни Президентимизнинг мамлакатимиз олимлари билан илк учрашувида сўнг ҳар жаҳода академик фанга таяниб иш кўрмоқ давлат сиёсати даражасига кўтарилди, шундай эмасми?

— Эсимни танибманки, илм билан машғулман. Илм эгалашга иштиқим 20 ёшимда бошланган бўлса, демек, изланишларимга 60 йил бўлибди. Орақга қараканман, илм билан машғуллик ҳар қандай ҳолатда ҳам машаққат эмас, балки унинг ҳақиқий эгалари учун роҳат эканига иқдор бўлман.

Албатта, кашфиёт қилиш, олимлик даражасига етиш осон эмас. Базан изланишларингиз натижаси яққ элиб кўринади, базан меҳнатлар бесама қетади. Қайта-қайта уринаверасиз. Гоҳ натижа чиқиб, базан чиқмаслиги мумкин. Аммо қачондир кўзланган маррага етасиз-ку.

Илм ишлаб чиқариш кучи, завод ёки фабрика эмас. Қўшма ҳўжалиги ҳам эмаски, экин эксанг, ярим йилдан кейин унинг ҳосилини олсанг. Дунё таъриҳида битта дори яратиш учун камда 10-12 йил керак бўлади. Дори яратиш умида кўп ишлайсиз, умрингиз, вақтингиз кетади, энди тайёр деганингизда битта ноҳўжа таъсири аён бўлади. Шунда 10 йиллик меҳнатингиз зое кетади. Албатта, хафа бўласиз. Лекин тушқулликка тушмайсиз. Йўқилгандан кейин қайта турмоқ энг катта омад бўлса керак, изланишда яна давом этасиз. 1995 йилда академик унвонига эга бўлганимда ҳали 50 ёшга ҳам кирмаган эдим. Турли қийинчиликлар, шароит йўқлиги илмий изланишларимизга монелик қилмаган. Маошим ҳаминқадар бўлиб қолган пайтларда ҳам соҳани ташлаб кетиш ҳаёлимга келмаган.

2000-йиллар бошидаги давр илм-фан учун жуда мураккаб ва оғир бўлган. Чунки ходимларга маош тўлаш учун ҳам, реактив ва ускуналар сотиб олиш учун ҳам маблағ етишмас эди. Олимларнинг аксари соҳани тарк этган, илмий-тадқиқот муассасалари хувилаб қолган пайтларда эдим.

— Сизнингча, Учинчи Ренессанс ҳодисасига инсоният бугун қанчалик эҳтиёж сезмоқда? Юртимизда бу кутлуг жараённинг илк ҳосилларини нимага кўряпсиз?

— Заманимиз икки буюк уйғониш даврига бешик бўлган. Алломаларимиз қолдирган бой маънавий ва илмий мерос ҳали-ҳануз дунё илми фани ривожига хизмат қилиб келмоқда. Асрлар ўтса ҳамки, уларнинг номи эҳтиром билан тилга олинади. Ўз даврида уларни ҳаракатга келтирган ягона куч инсоният ҳаётини яхши ўзганга буриш, фаровон ва бахтли ҳаётга, жамият тараққиётига эришиш эҳтиёжидир. Ана шу эҳтиёж қачонки инсоннинг қалбида, вужудда янгилик олди отса, ўша ерда мисли кўрилмаган янгиликлар бўлиб чўзади. Ижод қилинади, кашфиётлар яратилади. Давлатнинг кўрки — илм. Бу исбот талаб қилмайди.

Фаолиятим давомида хорижий институтлар ва Фанлар академиялари билан илмий алоқаларни йўлга қўйишга ҳаракат қилдим. Хусусан, Хитой Фанлар академияси билан имзоланган келишув натижасида ушбу мамлакат олимлари билан мустақам ҳам узоқ муддатли илмий ҳамкорлик ўрнатилди. Биоорганик кимё институти, Синьцзян физика ва кимё институтида хитой ва ўзбек ёш мутахассислари илмий стажировка ўтди, диссертация ишларини муваффақиятли ҳимоя қилди. Мен Хитой Фанлар академияси аъзоллигига қабул қилиндим ва 2017 йилда “Илм-фан ва

технологиялар соҳасида халқаро ҳамкорлик” муқофоти билан тақдирландим. Айниқса, ушбу ҳамкорлик коронавирус пандемияси даврида янада мустаҳкамланди. Тошкентда Хитой аънавий тиббиёт маркази муваффақиятли иш бошлади. Унинг махсусотлари Ўзбекистон ва Хитойнинг шифобахш ўсимликлари асосида коронавирус инфекциясини даволаш учун янги препаратлар яратишда катта ҳисса қўшди. Бугун ёш олимларимиз Хитой Фанлар академиясида изланишларини давом эттиряпти. Тинимсиз ишлаётган, изланаётган салоҳиятли ёшлар илм-фан ривожига пойдевор қўяпти. Уларнинг интилишларида Учинчи Ренессанс учқунларини хозирдан кўряпман.

— Кейинги йилларда дунё тараққо ҳолга келмоқда. Узаро боғлиқлик даврида илм-фан мақсадлари йўққа чиқяпти. Ҳаётто фазонини қурол маконига айлантириш ҳаракатлари бошланган. Албатта, бу катта инқироз, фожиа. Аммо шу ўринда ана бир мулоҳаза пайдо бўлади. Бундай мураккаб даврида илм-фан мероси кимга қолади ёки у қандай мақсадлар сари юзланади? Бугун дунё олимлари олдига қандай вазифалар турапти?

— Дунёнинг қайси бурнагида бўлмасин, олим — олим. Ҳақиқий олим ҳеч қачон инсониятга ёмонликни раво кўрмайди. Биргина мисол, COVID-19 пандемиясини эсланг. Йирик давлат раҳбарлари ҳам пандемия қаршида саниқлар қолди. Ўрта ҳисобда ер юзиде тахминан 8 миллион одам коронавирусдан вафот этди. Ундан тўрт баравар кўп одам пандемия асорати туфайли оламдан ўтди. Олимлар касалликка қарши курашишга киришди, самарадор

Атрофимизда бундай вируслар кўп ва улар ҳаракатда. Олимларнинг ихтири ва кашфиётлари туфайли кўплаб вирус, бактериялар хавфи ҳозирча ҳаётимизга даҳл қилмай турибди. Аммо улар ислалган вақтда ҳаракатта тушиши мумкин.

Бетоб бўлсак, дарров антибиотик қўллаймиз. Айни пайтда инсон организми антибиотикка кўникиб борапти. Дори бир томондан фойда бўлса, иккинчи томондан инсон танасидаги фойдали микроорганизмни ишдан чиқармоқда. Одамларнинг иммунитетига тушиб кетяпти. Антибиотикка чидамлик пайдо бўлаётгани тиббиёт олдига янги муаммони қўяпти. Бу — энг катта таҳдидлардан бири. Антибиотик билан боғлиқ таҳдид қурол-яроқ таҳдидидан кўра хавфли.

Экологик муаммолар ҳар бир мамлакат учун долзарб. Глобал исини меъёрдан ошса, уни назорат қилиб бўлмайди. Одамзод ҳеч нарса қила олмайди. Агар музликлар жадал эрса, бутун табиат бойликлари сувнинг тағдида қолиб кетади. Глобал исини билан курашишга монелик қиладиган минглаб муаммо бор. Дунё олимлари олдига ана шу муаммоларга ечим топиш вазифаси турапти.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ичимлик сув танқислиги сувни тежаш, режалаштириб ишлатишни тақозо этади. Бундай муаммолар юки эса, энг аввало, навқирон олимларга тушади. Ўйлайманки, илм фанининг муносиб ворислари етишиб келяпти ва улар инсоният ҳаётини яхши ўзганга буриб юборишга қодир.

— Изланишларингиз натижасида 20 га яқин дори-дармон яратилган ва тиббиёт



дори-дармонлар, вакциналар яратилди. Пандемияга чек қўйилди. Кези келса, инсониятни инқирозга етаклайдиган бундай пандемиялар олдига фазонини қурол маконига айлантириш ҳаракатлари ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмай қолади.

Хорижда дўстларим кўп. Уларнинг илмий кашфиётлари бугун инсоният ҳаётининг яхши ўзганига хизмат қилаётганига гувоҳиман. Олимларнинг ўзига хос руҳи бўлади. Бу соф руҳ фақат яхшиликка таянади. Дунё олимлари олдига миллирдлаб вазифалар турапти. Биргина коронавирус дунё ҳаётини қай даражада ўзгартириб юборганини кўрднингиз.

амалиётда қўлланилмоқда. Улар Ўзбекистон илм-фанига нима берди? — Дунёда ҳар қандай фанининг ривожланиши бевосита илмий мактаблар томонидан муайян соҳада эришилган илмий муваффақиятлар, кашфиётлар, муҳим илмий натижалар, уларни яратиш, янги қонуниятларни оқиш, муайян саноят эҳтиёжлари билан боғлиқ. Биоорганик кимё нисбатан ёш, аммо сўнгги йилларда у фармацевтика, соғлиқни сақлаш, тиббий диагностика, озиқ-овқат санояти, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа кўплаб соҳаларда долзарб муаммоларни ҳал қилишда етакчи ўринни эгаллаб келмоқда.

## Хусусий сектор

Таълим тизимини янги bosқичга олиб чиқиш, соғлом, юксак маънавиятли ёшларни воёга етказиш, ўқувчиларда эркин, танқидий ва креатив фикрлашни шакллантириш, ёш авлодга ватанга содиқлик ва дахлдорлик ҳиссини синдириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга ошириляётди. Хусусан, соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири, “Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги қонун қабул қилингани тизимдаги муаммоларни бартараф этиш, таълим сифатини яхшилаш ва халқаро ҳамжамият билан уйғунлашган ҳолда олиб боришга кенг имконият яратмоқда. Шунингдек, педагогларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолиятининг асосий қафолатлари, меҳнатига яраша ҳақ тўлаш, рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш тамойиллари белгиланди. Бундан ташқари, педагогнинг ҳуқуқлари, шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўси давлат ҳимоясида бўлиши қатъий белгилан қўйилди.

Президентимиз жорий йил 20 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисидаги нутқида таълим сифатини янада ошириш, ёшларимизни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялашга қаратилган сиёсат изчил давом эттирилишини таъкидлади. Айни мақсадда келгуси йилларда боғчаларда камровини 80 фоизга, олийоқларда эса камнида 50 фоизга етказиш ҳуқуқат учун асосий вазифа бўлиб қолади. Халқаро молия институтларининг 61 миллион доллар маблағи

## ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИЯТ

### НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШАДИ



Президентимизнинг жорий йил 22 ноябрдаги “Таълим соҳасида хусусий сектор иштирокини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини қўллаб-қувватлаш, таълим соҳасида хусусий сектор улшини

янада ошириш, ушбу йўналишдаги тадбиркорлик субъектларига қўлай шарт-шароит яратиш ҳамда ўқитишнинг инновацион педагогик шакллари, услуб ва технологияларини жорий этишга хизмат қилиши билан аҳамиятли.

Таълим тизимида хусусий секторга берилаётган имконият самараси ўлароқ кейинги саккиз йилда хусусий мактаблар 27 тадан 500 тага, нодавлат боғчалар сони эса 250 тадан 30 мингтага етди.

Мазкур қарор билан мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда шакллантирилмайдиган рўйхатлар бўйича нодавлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташиқлотларини жиҳозлаш ва фаолиятини таъминлаш учун олиб кириладиган замонвий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дастурий махсусотлар, ўқув ва илмий-методик адабиётлар, анжомлар ва моддий-техник ресурслар боғхона тўловидан озод қилинади. — Шу пайтатча нодавлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташиқлотлари фаолияти учун қатор имтиёзлар берилган эди, — дейди Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги мутахассиси Жаҳоир Рашидов. — Хусусан, улар ижтимоий солиқдан ташқари барча солиқдан озод қилинган. Лекин бу имтиёз муддати 2025 йил январгача этиб белгиланган. Янги қарор билан энди мазкур имтиёзлар муддати 2030 йил 1 январгача узайтирилди.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири  
Рисолат МАДИЕВА  
суҳбатлашди.

Хужжатда белгиланган яна бир эътиборли жиҳат: таълим тизимига хорижий мутахассисларни жалб этишда ҳам имкониятлар кўлами кенгайтирилмоқда. Хусусан, нодавлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташиқлотларида фаолият юритаётган чет эллик ўқитувчи ва мутахассислар жисмоний шахслардан олинмайдиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқдан озод этилади.

2025 йил 1 январдан бошлаб доимий асосда педагогик фаолият юритиш учун жалб этиладиган хорижий мутахассисларга “А-2” ўқитувчилар кириш визаси берилди. Шунингдек, давлат ва нодавлат таълим ташиқлотлари томонидан хориждан жалб қилинган мутахассисларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритиш ҳуқуқи таъдиқномасини беришда ундирилмайдиган йигим миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз баробаридан бир баробаригача камайтирилди.

Шу билан бирга, нодавлат мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим ташиқлотларининг раҳбар ва педагог ходимлари учун давлат бюджети маблағи ҳисобидан малака ошириш тартиби жорий этилади.

Лутфулла СУВОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Ҳозир ўйлаб қарасам, кўчада тўйхона билан дорихона кўпайибди. Яқин йилларда бирорта кутубхона қурилганига кўзим тушмади. Ачинарлиси, орадан бир ҳафта ўтиб, тўй соҳиби яна хорижга кетганини эшитдим. Айтишларича, тўй харжидан анча қарзга ботибди. Энди шунини тўлаш учун яна қанча вақт тер тўкади, билмадим.

2024 йил 14 декабрь, 254-сон

Тошойна



# Тўйдаги ўйлар

## ёхуд камбағалликнинг биргина “кишани” ҳақида



Акбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Кашқадарё воқасининг тўйлари ҳақида сўз кетганда, кўпчилик “ох-хо” деб юборади. Фалончиникида мунча, пистончиникида бунча дошқозонда ош дамланганию тонналаб гўшт пиширилгани ҳақида мақтаниб гапирилади. Натижада йиллаб қарздорликдан чиқолмай юрганлар қанча.



### КУЁВ КУРКА ГЎШТИ ЕРМИШ...

— Камбағалликни қисқартишининг шартларидан бири бу — тўйларни тартибга солиш, — дейди қашқадарлик кекса ижодкор Ўрлоб Қобилов. — Эл орасида кўп юрагимиз. Тўй-тантаналар ким-ўзгарга ўтказилмапти. Исрофгарликларни кўриб, ачинасан киши. Тунов кўни қишлоқда бир киши тўй қилди. Ўзи икки ўғли билан чет элда ишлаб юрарди. Тантана тўйхонада бўлди. Дастурхонда бўш жой йўқ. Бир томонда яхна гўшт, бир томонда товۇқ гўшти, балиқ гўшти, ош, шўрва. Тўкинлик яхши, лекин меъёрида бўлсагина яхши.



Бундан ташқари, янги пайдо бўлаётган удумлар ҳам одамларнинг иқтисодини орқага тортмоқда. Яқинда эшитиб қолдим: биз томонда куёв курка гўшти ермиш деган бемаза одат пайдо бўлибди. Куёв тўйдан олдин қайноқасиникига беш-ўн ўртоғи билан меҳмонга келаркан. Улар курка гўшти билан сийланаркан. Шунга ҳам камида икки-уч миллион сўм сарфланаркан. Билмадим, йил-йил кишининг ор-номуси қайда қолди? Ёшлигимизда тўйлар анча ихчам ўтказиларди. Айниқса, киз чиқариш жууда оддий эди. Ҳозир тўйларнинг фарқини билиб бўлмай қолди. Уйига кириб кўрсангиз, тузукроқ шароити йўқ, лекин тўйда борини сочади. Бу мактабини, бошқа нарсани, англаш мушкул.

### “КИЗ ЧИҚАРГАНГА КИРҚ ЙИЛ ТЕГМА”

Кўшим Саидзим ака анча йилдан бери кирақалик билан шуғулланади. Шу сабаб бўлса керак, маҳалламиздаги деярли кўпчиликнинг телефон рақамини ёддан билди. Бошқалар ҳам унинг рақамини ёдлаб олган бўлса, ажабмас. Чунки қишлоқ жойда энг керакли одам бу — кирақаш. У ҳам одамларнинг яхши кўни борми, беморчилики — доим хизматга тайёр. Кимдир қаёққадир борадиган бўлса, дарров Саидзим акага мурожаат қилади. Барака топкур, кечасими-кундузими йўқ демасдан, одамларнинг узогини яқин қилишга ошиқади.

машинасини тўғри уй олдиға олиб бориб тўхтатди. Хонадон соҳиби бир кўриниш бериб, “ҳозир” деганча яна ичкарига кириб кетди. Ростки, маҳалладош бўлгани билан икки-уч бор тўй қилганида келганимни ҳисобга олганда, бирор марта уйига кирамаган эканман. Тўрт хона, бир айвондан иборат уй. Лекин қизиқ томони, фақат бир хонага эшик-дераза ўрнатилган. Қолган уч хона пахса деворлигича турибди. На эшиги бор, на деразаси. Гўё янги кўчиб келинган хонадонга ўхшайди. Ваҳоланки, адашмасам, бу ерга уй эгаси кўчиб келганига йигирма йилга яқинлашиб қолди. Олдинлари икки хонадан иборат кичикроқ уйи бўларди. Уни бузиб, янгисини қурганига ҳам уч-тўрт йил бўлган. Бундай жойда яшаган киши бемор бўлмай нима бўлсин деган ўй ўтди.

Одатдаги кунларнинг бирида мен ҳам унинг машинасига миниб қолдим. Ҳали бир оз юрмаздан Саидзим ака маҳалланинг энг чеккасида яшайдиган Собир ака (исми ўзгартирилган) эрталаб қўнғирок қилиб, хотини бетоблиги боис, кўчага чиқолмаслигини, иккаласини уйдан олиб кетишни илтимос қилганини айтиб, шу томон машинасини бурди. Ўн дақиқалар юрилгач, Собир аканинг ҳовлисига кириб бордик. Хотини бетоблигини ҳисобга олган кўшим ҳам иккиланмай,

Мен ўйлаган мулоҳазани ҳайдовчи ҳам хаёлига келтириб турган экан.

— Узоқдан катта уй бўлиб кўрингани билан қурилганича турибди-ку. Собир ҳам устаман деб фақат биров пул берса қилиб, ўзиники бепуллик учун қўл урмаган, шекилли, — дея ҳайратини яширолмади.

Бу орада Собир ака янгани етаклаб чиқиб, машинага миндирди. Эр-хотин орқа ўриндиққа жойлашиб олгач, йўлга тушдик. — Бу дейман, Собир шўра, уй шу ҳолича турибди-ку, қурилганига анча бўлди чоғи, — дея Саидзим ака орқага қараб қўйди.

— Ҳа, бирор кун битиб қолар, — дея хижолатомуз жавоб берди Собир ака.

— Ўзингиз анча йилдан буён устачилик қиласиз, кўп иш қўлингиздан келади-ку, — дея сўхбатга аралашдим.

— Эй нимасини айтасиз? Шу уйни бир амаллаб қуришга қуриб олдим-у, таъмирига имконин етмай қолди. Ўзи аввалига отам икки хонали уй қуриб бериб, шу жойга кўчирганди. Қолганини ўзим элаб кетаман, дегандим. Аммо одамнинг ўйлагани доим бўлавермас экан. Худого шўра, тўрт қизим, бир ўғлим бор. Энг кичиги ўғил. Ешлиқда ана қиламан, мана қиламан билан вақтин ўтказиб юборибмиз. Бу орада қизлар вояга етиб қолди. Биринчисини турмушга бердим. Анча-мунча маблагим кетди. Бир оз қарз ҳам бўлиб қолдим. Унинг ўрнини қоплашга қўл қўйиб, оғина пул ҳам орттирдим деганманда, иккинчи қизимнинг тўйи бўладиган бўлди. Киз чиқарганга кирқ йил тегма, деб бежиз айтилмаган экан. Илож қанча, эл қатори тўй қилиш керак. Яна сарф-харажат. Бир кунлик тўйни-ку амалласа бўлар, лекин келиннинг кўрпа-ёстиғини тортиб, қудаларга сарпо дегандай турли нарсалар одамни чарчатиб юбораркан. Хуллас, тўрт қизни узатаман деб бир сўм орттиролмадим. Утган йили кичигини узатдим. Ҳисоблаб кўрсам, етмиш миллион сўмдан ортқ пул сарфлабман. Ҳалигача қарз тўлаш билан овораман. Буёғича хотин ҳам касал бўлиб қолди. Яхшиям биргина бузоғимиз қолган экан, шунини кеча бозорда сотдим. Дори-дармонга етиб қолар деган умидда борапмиз.

— Ҳали қутулдим, деб ўйламанг, иккинчи қизнинг боласига бешик ҳам обориш керак. Яқинда қуда хола келганди, гурунғ орасида икки-уч марта кесатиб ўтди, — дея янга ҳорғин товуща гапга аралашиб қўйди.

— Ҳа, энди бешик кўтариб, умрим хаза бўлади чоғи, — дея Собир ака уф тортиб қўйди.

— Шу ортиқча харажат нима керак экан-а? Ана, эсларингизда бўлса, қарантин пайти Аҳад амаки келин туширди. Шунда бор-йўғи беш кило гуруч дамлаб, ош қилганди, — деди эр-хотинга ачинаганча Саидзим ака. — Кўпи билан йигирма чоғли одам келди. Шу билан ҳаммаси ўтди. Мана, икки ёш бахтли оила бўлиб яшаб юрибди. Бировдан кам бўлмайман, деб ўзига оғирлик орттириш шартмас. Ундан кўра уй-жойни яхшилаш, рўзгорни бутлаш, саломатликка қараш керак.

Йўл гурунғи мени анча вақтгача ўйлантирди. Ёши элликка яқинлашиб қолган Собир акага ачинарлисининг давлат тили бўйича маслаҳатчиси Нуриддин Эгамов. — Тўйлар фақат кимўзар ёки мақтаниш учун қилинадиган бўлиб қолди. Аниқ ҳисоб-китоб қилинса, бир тўй учун камида 50-60, баъзиларида 250-300 миллион сўм сарфланади. Кимгадир мақтанмоқчи бўлсангиз, шунчаки исрофгарлик қилиб, бир кунда едириб-ичиришга эмас, биров етишимовчилиги мавжуд вазиятга тушириб қўяди? Ҳали яна уч қизнинг боласига бешик олиб бориши лозим. Буёғича ўғли ҳам яқинда мактабни тугатади. Усталик ортидан рўзгор тебратадиган Собир ака қачон камбағалликдан чиқиб, қачон фаровон яшайди?



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!




### КИТОБСИЗ УЙ

Бундан икки-уч йил олдин телевидениеда ишлайдиган ҳамкасбим олисроқ туманда кекса киши ҳақида кўрсатув тайёрлаш учун бораётганини айтиб, ҳамроҳ бўлишимни илтимос қилди. Бирга бордик. Ҳамкасбимнинг айтишича, отахон яқинда тўқсон беш ёшга тўлади. Шу муносабат билан фарзандлари кўрсатув тайёрлашни илтимос қилган. Тез орада бобонинг юбилей тўйига қўшиб, набираларининг хатна тўйи ҳам катта қилиб ўтказилишини айтиб ўтди.

Анча йўл юргач, ҳар бир уйнинг ораси камида бир километр бўлган, кенг адирикда жойлашган қишлоққа кириб бордик. Биз кириб борган ҳовли ҳам бошқаларникидан қолишмасди. Энг қизиғи, ҳеч бир ҳовлининг девори, дарвозаси йўқ. Бобонинг ўғли кутиб олди. Ичкарига кириб, оқсоқол билан саломлашиб, мақсадимизни тушунтирдик. Сўхбат жараёнида отахон ёшига нисбатан анча дадил эканини англадик. Шу ёшда кўриш қобилияти ҳам яхши экан. Ҳамроҳим икки-уч хил ракурсда тасвирга олгач, яна қандай ҳолатда суратга олиш ҳақида ўйлашни бошладик. Шунда бобонинг кўзи ўткирлигини инобатга олиб, уни китоб ўқиб ўтирган ҳолатда тасвирга олиш мумкинлигини эслатдим. Бу таклиф шеригимга маъқул келди. Энди фақат китоб топилса бўлгани.

Орадан ўн, йигирма, ўттиз дақиқа ўтдики, ҳайҳотдек уйдан бир дона китоб чиқмади. Охири бўлмагач, кўшиникига боришди. Шунча изланишлар беҳуда кетиб, биттагина китоб топиб келишолмади. Бу ҳолатдан ҳайратда



қолганча тасвирга олиш ишларини бир амаллаб яқунга етказдик. Менга бу уй негадир чироғи ўчган, зимистондек бўлиб туюлди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, ҳамкасбимнинг қистови билан бобонинг тўйига бордик. Тўйга келаятганларнинг охири кўринмади. Ерўчоқ устида қайнаётган қозонларнинг эринмай санашга тушаман. Жами 17 та қозонда гўшт пишмоқда, 22 та қозонда ош. Каттагина, усти ёпик юк машиналари қатор қилиб қўйилган. Улардан бирида хирмон

ОРАДАН ЎН, ЙИГИРМА, ЎТТИЗ ДАҚИҚА ЎТДИКИ, ҲАЙҲОТДЕК УЙДАН БИР ДОНА КИТОБ ЧИҚМАДИ. ОХИРИ БЎЛМАГАЧ, КЎШНИНИКИГА БОРИШДИ. ШУНЧА ИЗЛАНИШЛАР БЕҲУДА КЕТИБ, БИТТАГИНА КИТОБ ТОПИБ КЕЛИШОЛМАДИ. БУ ҲОЛАТДАН ҲАЙРАТДА ҚОЛГАНЧА ТАСВИРГА ОЛИШ ИШЛАРИНИ БИР АМАЛЛАБ ЯҚУНИГА ЕТКАЗДИК. МЕНГА БУ УЙ НЕГАДИР ЧИРОҒИ ЎЧГАН, ЗИМИСТОНДЕК БЎЛИБ ТУЮЛДИ.

қилиб уйилган пишган гўшт меҳмонларга тортилмоқда. Бирида нон, яна бировида газли ичимликлар. Шу пайт хаёлимдан “Эҳ-ҳе, бунча маҳсулотнинг пулига қанча китоб харид қилиш мумкин! Қолаверса, бутун бошли кутубхона қуриб, ичини турли адабиётларга тўлдирса бўлади-ку”, деган ўй ўтди. Хонадондан аттиги бир дона китоб чиқмаган кишининг тўйидаги ҳолатга ачинишни ҳам, кулишни ҳам билмайди одам.

### ҚАРОР БОР, ИЖРО-ЧИ?

Тўй бўлгани яхши. Лекин ҳамма нарса меъёрида бўлса, фойдадан холи эмас. Юқоридаги таҳлилларда қисман исрофгарлик ҳақида сўз юритилди. Бир тўйнинг чиқимини ҳисобласак, эҳ-ҳе, адоғига етиш мушкул. Бундан ташқари, “келиннавар”, “чорлар”, “ота кўрди”, “сен ёйди”, “қуда қақирди”, “куёв қақирди”, “келин қақирди”, “тоғора юбориш” ва ҳоказо удумлар ҳам бор. Лекин буларни тартибга олиш бизнинг бурчимиз.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кенгаши ва Сенат кенгашининг “Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги

қўшма қарори имзоланган. Лекин бунинг ижроси деярли сезилмапти. Аксарият жойларда айрим маҳалла раислари, жамоат фаолларининг бундан хабари ҳам йўқ.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш тарғиб қилинаётган пайтда тўйхонаю дорихоналарнинг кўпайгани бежиз эмасга ўхшайди. Қолаверса, давлатимиз раҳбари ташаббус билан камбағалликдан фаровонлик сари қadam ташланар экан, бунга тўқиб бўлаётган энг муҳим омил тартибсиз тўйлар эканини вақтида англашимиз зарур. Шунингдек, қўшма қарор ижроси амалда татбиқ этилмас экан, исрофгарлик тўхташига ҳеч қандай қарор беролмайди.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ  
МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташқилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Бунортомта — 4422.  
39932 нусхада босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.  
Баҳоиси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова  
Мусахҳис: Насиба Абдуллаева  
Дизайнер: Зафар Рўзиев  
Манзилнинг:  
100060, Тошкент шаҳри,  
Шахрисабз кўчаси, 85-уй  
ЎЗА яқуни — 00:55 Тошхирлиди — 01:10